

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



Термиздан хушхабар:

ЎЛАН АЙТСАНГ, ТАЛҒАТДЕК АЙТ!

Махсус мухбиримиз Суннатилла САФРАЛИЕВ Термиз шаҳридан хабар қилади:



Кўҳна ва навқирон Сурхон заминиди ўтаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида вилоятимиз жамоаси ҳам катта иштиёқ билан қатнашмоқда.

Ўтган ҳафта якунида нуфузли фестивалнинг давлатимиз раҳбари иштирокида бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимидан сўнг бошланган ижодий беллашувлар тобора қизгин ва ҳаяжонли тус олаёпти. Уларда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакати ва юртимизнинг турли гушаларидан келган юздан ортиқ бахши, оқин, жиров, манасчи, шоир ва бадиҳагўйлар, фольклор жамоалар низомда белгиланган мезон ва йўналишлар бўйича ўз истеъдод ва маҳоратларини намойиш этмоқдалар.

Нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё бўйича илк марта ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивалига пухта ҳозирлик қўрилгани Ўзбекистоннинг жанубдаги гавҳари бўлган қадимий ва навқирон ушбу шаҳарга ўзгача шуқуқ ва тароват бағишлаш баробарида санъат анжуманининг юксак савияда ўтишини таъминламоқда. Буни фестивал ўз поёнига етиб бораётганига қарамай, бахслар ўтаётган саҳналар олди томошабинлар билан тўлиб-тошаётганидан ҳам кўриш мумкин.

Бугуннинг гапи

Ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, маънавий юксак ва интеллектуал салоҳиятли авлоднинг тарбиялаш, аҳоли, хусусан, хотин-қизлар бандлигини ошириш бугун мамлакатимиз раҳбари олиб бораётган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сирасидандир.

БўКА — ҲАЁТБАХШ ТАШАББУСЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, жорий йилнинг 19 март куни Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида юқорида-

салида аҳоли тақлиф ва муаммоларини ўрганиш бўйича тузилган республика ишчи гуруҳи БўКА туманида иш бошлади.



ги каби хайрли мақсад ва вазифалар рўйбига хизмат қилувчи бешта ташаббус илгари сурилиб, бу йўналишдаги вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилган эди. Ўтган қисқа вақт ичида бутун мамлакатимизда бўлгани каби, вилоятимизда ҳам ҳар бир ташаббус бўйича чора-тадбирлар дастурлари лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда, одамлар орасига кириб, ёшлар қалбига йўл топиб, ҳаётий тақлифлар ўртага ташланмоқда.

Шу ҳафтанинг биринчи кунидан Президентимиз топиширигига мувофиқ, бошланган хайрли ташаббусларни ҳаётга тезкор ва изчил татбиқ этиш, яратилаётган дастурларнинг ҳаётлигини таъминлаш мақ-

Мақсад аниқ, режалар қатъий. Содда қилиб айтганда, туманда ёшлар беқорчилигининг олдини олиш, улар учун маданий тадбирлар, компьютер савдохонлиги ва интернет марказлари, спорт тўғрисидаги ташкил этиш, шунингдек, китобхонликни оммалаштириш мақсадида мавжуд кутубхоналарни хатловдан ўтказган ҳолда китоб фонддини яхшилаш, китоб дўконлари, "book safe"лар фаолиятини йўлга қўйиш, маънавий тадбирларни кўпайтириш, ишсиз аёлларни тикув ва тўқимачилик цехларига жалб қилиш Бўкада бошланган кенг кўламли ҳаракатнинг асл мақсадини ташкил этади.

Давоми 2-бетда ➡

«ТОШКЕНТ ЙЎЛИ» КОНЦЕПЦИЯСИ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

"Тошкент йўли" кўчаси концепциясининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда вилоятимиз ҳамда хорижда фаолият юритаётган юзга яқин тадбиркорлар иштирок этишди.

Вилоят ҳокимлигида

Тақдимот аввалида таъкидланганидек, Нурафшон шаҳри вилоят маъмурий марказига айланишидан сўнг шаҳарда, хусусан, шаҳарнинг марказий "Тошкент йўли" кўчасида бир қанча қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган. "Тошкент йўли" кўчасининг Нурафшон шаҳридан ўтуви 6, 7 километрга ҳозирги кунда 8 та банк муассасаларининг маъмурий бинолари қурилаяпти.

Шаҳарнинг вилоят бўйсунувидидаги маъмурий марказ эканлиги инобатга олинса, "Тошкент йўли" кўчасида 5-7, 12-16 қаватли уйлар қурилиши мақсадга мувофиқ. Бундан

ташқари, "Тошкент йўли" кўчаси бўйлаб қурилиши режалаштирилаётган савдо ва маиший шаҳобчаларда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши ҳам зарур.

Тақдимотда қатнашган ишбилармонлар ва тадбиркорларга шулар ҳақида батафсил тушунтириш берилиб, давлат тадбиркорларнинг қурилиш ва фаолият юритиш ишларида кўмак беришга тайёр экани айтилди.

Тақдимотга Қибрай туманидан келдик, — дейди Нажиб Алтинбеков. — "Тошкент йўли" кўчасида замонавий мактабга таълим муассасаси ва мактаб очишни режалашти-

ганмиз. Тўғри, ерларнинг ҳариди пойтахтдагига нисбатан арзон. Лекин, бизни қизиқтирган жиҳати бу ерда Ўзбекистондаги биринчи "ақли шаҳар" қурилаяпти. Фаолиятимизни йўлга қўйиш учун 0,5 гектар ер етарли. Шаҳар архитектори билан гаплашдик. У зарур тавсияларни берди.

Тақдимотга Мозори Шарифдан келдик, — дейди афғонистонлик ишбилармон Усмонхон Меҳте. — Нурафшон шаҳрида замонавий типдаги меҳмонхона қуриш ниятида. Меҳмонхонанинг ертўласида тақинчоқлар ишлаб чиқариш цехи ҳам фаолият юртади. Шаҳар савдо-саноат палатаси раиси билан суҳбатлашдик. Келгусида, албатта, "ақли шаҳар"да фаолиятимизни йўлга қўямиз.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати

Амир Темур таваллудига
683 йил тўлди



БУЮК ТАРИХИЙ МЕРОС

Мустабид тузум даврида буюк аجدодларимиз оёқости қилингани, «жаллод», «халқ душмани», дея ўқтирилгани бундан ярим аср илгари мактабда ўқиганлар жуда яхши эслашади. Айниқса, улкан туркий салтанат барпо этган Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳақида қўллаб ёлгон уйдирмалар айтилган.

Дарҳақиқат, ўша кезларда Амир Темур ва унинг шахсияти таҳқирлангани ҳеч кимга сир эмас. Унинг сиймосини халқимиз тарихидан ўқиб ташлашга уринилди. Аммо, барча қийинчиликларга қарамай, халқимиз ўзлигини, миллийлигини йўқотмади. Мустақиллик туфайли Амир Темурнинг буюк хизматлари, бетақдор истеъдоди баралла эътироф этилмоқда. Бу йил ҳам Соҳибқироннинг таваллуд куни кенг нишонланди.



Давоми 4-бетда ➡

Эшитмадим, деманглар!

ВИЛОЯТИМИЗДА КАДАСТР МУҲАНДИСИ ИНСТИТУТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президентимиз "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорни имзолади. Ҳужжатга кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб, тажриба-синов тариқасида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси институтини жорий этиш кўзда тутилган.

Мазкур институт шартнома асосида кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш (бирламчи кадастр ҳисоби бундан мустасно), уларнинг қаватма-қават режаларини тузатиш, техник режаларини расмийлаштириш, шунингдек, уларни техник ҳисобга қўяди.

@haqiqatonline

ҲАРАКАТ БИЛАН ХИРМОН УЮЛАР



Айни кунларда вилоятимизда мўл ва сифатли ҳосил етиштириш мақсадида галла парваришига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ахир, бугунги ҳаракат эртанги боракага зомин бўлади. Қўлверса, шартномани биринчилардан бўлиб бажарган туман сектор раҳбарларига вилоят ҳокимининг махсус совғаси — автомобиль берилиши галлакорларни янада руҳлантириб юборди.

Мавсум

Ўрта Чирчиқ тумани деҳқонлари галла етиштириш бора-сида катта тажрибага эга. Эсласангиз, ўтган йили Ўрта чирчиқлик миришкорлар вилоятда биринчи бўлиб режани бажаришган эди. Улар жорий йилда ҳам юқори ҳосилдорликка эришиш учун барча зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб, парваришни белгиланган меъёрлар асосида олиб боришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Галла ўтган йили октябрь ойида экилган бўлиб, ҳозиргача тўрт марта минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантирилди. Шунингдек, галла майдонлари турли касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиниб, босқичма-босқич бегона ўтлардан тозаланаяпти.

2



Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМЛАРИДА ЯНГИ ЛАВОЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

2018 йили вилоятимизнинг 15 та туман ва шаҳарида хотин-қизлар кўмитаси ҳузурида зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари ташкил этилди.

Брифинг

Жорий йилда қолган ҳудудларда ҳам ана шундай марказларнинг фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу ҳақда "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказида ўтказилган брифингда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Озода Парибоева маълум қилди.

Маъмур марказлар Президентимизнинг "Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизи-

мини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ташкил қилинган бўлиб, у ерда халқаро тажрибаларга таянган ҳолда зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларга манзилли, ўз вақтида ёрдам қўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш, ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвор пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва унинг олдини олиш каби ишлар амалга оширилади.

Жорий йилнинг уч ойи давомида марказларда 416



нафар хотин-қиздан мурожаат қилиб тушган. Бандлик масаласида мурожаат қилганлардан 76 нафари ишга жойлаштирилди, 32 нафар хотин-қизга кредит олишда қўмақлашилди, 160 нафар мурожаатчига тиббий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, марказ ходимларининг саъй-ҳаракатлари би-

лан вилоятдаги 89 та оила яраштирилди, 52 та оиланинг никоҳи қонунийлаштирилди. 7 нафар аёлга моддий ёрдам берилди.

Дарвоқе, 1 апрелдан барча туман, шаҳар ички ишлар бўлимларида хотин-қизлар билан ишлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди. Бундай амалиёт бошқа ви-

лоятларда ҳали йўлга қўйилгани йўқ.

Брифингдан сўнг мавзуга доир масалалар давра суҳбати тарзида муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш борасида вазифалар белгилаб олинди.

Ўз мухбири
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар

ЙЎЛЛАРДАГИ МУАММОЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган навбатдаги "Ҳукумат соати"да "Ҳўжаликларида қишлоқ автомобиль йўлларининг ҳамда шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг бугунги ҳолати, уларни яхшилаш юзасидан қўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида"ги масала муҳокама қилинди.

Депутат минбари

Таъкидлаш жоизки, депутатларнинг ўз сайлов округларидаги учрашувларда аҳоли томонидан мунтазам кўтарилаётган оғриқли муаммолардан бири – йўллардаги носозликлар экани маъмур масаланинг нақадар долзарблигини кўрсатмоқда.

Парламент вакиллари кўтарган масалаларга Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шухрат Назаров қуйдагича изоҳ берди:

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги "2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт фаолияти учун, айниқса, қишлоқ жойларда қўлай шарт-шароитлар яратиш, ички йўлларнинг йўл қопламалари ҳолатини зарур даражага келтириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлашга хизмат қилаётти. Шунингдек, Президентимизнинг "Обод қишлоқ" дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, ўтган 2018 йилда 417 та қишлоқдаги йўллар таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Соҳада малакали кадрлар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини шакллантиришда, хорижий давлатларда талабалар амалиётини ташкил этиш, ўқув жараёнига илгор хорижий мутахассисларни жалб қилиш, қўшма адабиётлар чоп этиш масалаларини ривожлантириш ҳамда автомобиль йўлларини лойиҳа-лаш, қуриш ва эксплуатацияси жараёни, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, автомобиль ҳаракат оқимини самарали бошқаришда халқаро майдонда кенг фойдаланилаётган замонавий дастурий таъминотлар лицензияларини харид қилиш чоралари қўрилаётти.

"Ҳукумат соати"да фракциялар томонидан кўмида фаолиятга муносабат билдирилиб, йўлларнинг сифатсиз қурилиши аҳоли ёки давлатга нафақат иқтисодий зарар, балки бошқа талафотларни ҳам келтириб чиқараётгани, йўл-транспорт ҳодисаларининг муайян қисми айнан йўлларнинг носозлиги туфайли содир бўлаётгани аниқ далил ва мисоллар билан келтириб ўтилди.

А. УМАРАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

– Бугун нафақат Бўка кўчаларида, балки, ҳар бир бўкаликнинг уйда байрам, десак муболага бўлмайди, – дейди туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Аъзамжон Борхўжаев. – Чунки, Президентимиз илгари суратлаган беш ташаббуснинг амалий натижаларидан биринчи бўлиб туманимиз аҳли, ёшлари баҳраманд бўлаяпти. Қолаверса, мамлакатимиз бўйича амалга оширилиши кўзда тутилган кўламли лойиҳаларнинг сифат ва самардорлигини таъминлаш мақсадида Бўка тажрибаси яратилмоқда.

Дарҳақиқат, Бўкада бошланган йирик ҳаракат беш ташаббусни ичига олган яхлит концепцияга доир ҳар бир лойиҳани пухта апробациядан ўтказиш, гоёни амалда яхшилаб пишиқиб олиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Яна ҳам соддароқ айтганда, ҳаётимизга чуқур кириб бораётган ташаббусларни республика бўйлаб мукаммал рўёбга чиқариш, ҳаётга татбиқ этиш, бу йўлда қилиниши керак бўлган ишларни чамалаш, дастурларни ҳаётга яқинлаштириш, мавжуд муаммоларни тарози-га қўйиш, имкониятларни ҳисоб-китоб қилишда Бўка тумани ҳам ҳашар, ҳам ўзига хос "маслаҳатгоҳи" маросими вазифасини ўтаётти. Шу баҳона, Бўкада беш ташаб-

← Бошланғич 1-бета



Мавсум

ҲАРАКАТ БИЛАН ХИРМОН УЮЛАР

Туманда ғалла ва пахта етиштиришга ихтисослашган 166 та фермер хўжалиги бўлиб, 12 минг 980 гектар ер майдонида, бугдойнинг "Пром", "Таня", "Бригада" каби навлари парваришланмоқда. Шартномага кўра, бу йил 38 минг 860 тонна ҳосил йиғиб олиш кўзда тутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги "Бошқоқли дон етиштириш янада рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, 2019 йилда бугдойнинг ҳар бир тоннаси учун 1 миллион 200 минг сўм ёки ўтган йилга нисбатан 1,6 баробар юқори харид нархи белгиланди. Юқори ҳосил олган фермерларга давлат харид нархига 25 фоизгача, яъни ҳар тонна дон учун 300 минг сўмгача устама қўллаш тизими жорий қилинди. Бу фермерларни шижоат-

лантириб, мўл ҳосил етиштиришга катта туртки бўлиши шубҳасиз.

– Айни пайт ғалла парвариши учун ғанимат кунлар ҳисобланади, – дейди "Турон" фермер хўжалиги раҳбари Алишер Маҳмамов. – Бу йилги баҳор серёғин бўлаяпти. Бундай об-ҳаво шунинг ривожига мўл ҳосил учун аниқ мўддао. Аммо, ҳаддан ташқари кўп ёғингарчилик бугдойзорларда бегона ўтлар кўпайиши, турли касаллик ва зараркундалар тарқалишига сабаб бўлишини ҳам унутмаслик керак. Бунинг олдини олиш мақсадида зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб кўламдамиз. 156 гектар майдонга ғалла экканмиз. Ўтган йили 70 центнер ҳосил олган эдик, бу йил ўртача 80 центнерни мўлжаллаётимиз. Ўл олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

← Бошланғич 1-бета

БўКА — ҲАЁТБАХШ ТАШАББУСЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

малари раҳбарларининг шахсан ўзи ишбоши бўлиб турибди. Уларга вилоят фаоллари, тумандаги мутасадди корхона ва ташкилотлар жамоалари камарбаста бўлишаётти.

Тумандаги маданият ва аҳоли дама олиш марказлари, кутубхоналар, мактаблардаги китоб фондлари, аёллар бандлиги, оммавий спортни ривожлантириш каби йўналишларда ҳозирги аҳвол ва мавжуд потенциал ўрганилмоқда. Шу билан бирга, зарур жойларда эҳтиёжга қараб, қурилиш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Тез орада Бўкада барча маданият уйлари, кутубхоналар энг замонавий қиёфа касб этади, янги спорт иншоотлари қурилади, мавжуд база мустаҳкамланади.

Хусусан, ёшларни маданият ва санъат муассасала-

ри, ижодий жараёнларга кенг жалб этиш, маданият марказларида қолғу, хонандалик, тасвирий санъат тўғрақлари, хаваскорлик театр жамоалари ва болалар ансамбллари ташкил этиш ҳаракатлари муккобил тарзда олиб борилаяпти. Янгидан қуриладиган, реконструкция ва капитал таъмирланадиган ин-

шоотлар ҳам ўрганилаяпти. Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, спорт иншоотлари қувватини ошириш, бунинг учун туманда енгил конструкцияли, сендвич панелли кичик спорт заллари қуриш бўйича ташаббускорлар ва ҳомийлар билан икки тарафлама манфаатли шерикчилик асосида иш олиб борилаяпти.

Учинчи ташаббусга муво-

фиқ, аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари бўйича ҳам мутасаддиларда аниқ режалар бор экан, қўшимча талаб ва тақлифлар ҳам инobatга олиниб, булар бўйича ҳам амалий қадамлар ташланди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлари ҳам

театр, спорт майдончаси, эко-боғ каби объектлар барпо этилиши назарда тутилмоқда.

Бешинчи ташаббус бўйича ҳудудда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ниҳоятда саноқли кунларда каттагина корхоналар ташкил этилди. Масалан, кунни кеча "Бўстон" ҳудудида енгил конструкцияли тикувчилик корхонасининг жойи аниқланиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Хуллас, вазифалар катта, қадамлар кутлуг. Бу хайрли ишдан четда қолмай деган ҳар бир бўкалик борки, бугун ўз фарзандлари келажак учун ҳисса қўшишга енг шимарган.

Алишер РАҲМАТОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
("Тошкент ҳақиқати")
олган суратлар



Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган "Раҳбардан ўн китоб" акцияси Қуйи Чирчиқ туманидаги барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб, улар ҳам умумтаълим мактаблари кутубхоналарига илмий, бадий, тарихий китоблар жамланмасини тақдим этмоқдалар.

Ёшлар
овози

ЭЗГУ ТАШАББУС ДОИРАСИДА

Дўстобод шаҳри марказида жойлашган Марказий маданият уйи қошида аҳоли учун янги кутубхона ташкил этилди. 4-сонли Болалар мусика ва санъат мактабида "Раҳбардан ўн китоб" акцияси доирасида ҳамда янги ташкил этилган кутубхона фондини бойитиш мақсадида хайрия акцияси ўтказилди. Акцияда "Ўзбекистон Давлат китобсавдо" МЧЖ томонидан 7 мингдан зиёд китоблар савдога қўйилди. Китоб байрамда таниқли шоир-ёзувчилар, журналистлар, тумандаги барча

корхона ва ташкилотлар, тиббиёт ва таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди. Туман ҳокими Собур Муродов янги кутубхона фондига 50 та, шунингдек, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши раиси Отабек Султанбеков 30 та, туман ҳокимлиги, ҳомийлар ҳамда тадбиркорлар яна 500 дан ортиқ китоблар тақдим этди.

Хайрия акциясида шу куннинг ўзида кутубхона фонди 1 минг 500 дан зиёд сара китоблар билан бойитилди.

«БОЛАГА КИТОБ БЕРИНГ...»

Чиноз тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан "Ахборот-ресурс марказига китоб совға қилинг!" акцияси ўтказилди.

Тадбир доирасида туман фаоллари, маънавият ва маърифат маркази раҳбари, мактаб директорлари, ўқитувчилар, ҳаттоки ўқувчилар ҳам марказга китоблар совға қилишди.

Вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидаги барча таълим масканларида хайрли тадбир давом этмоқда.

Даврон АХМАД олган сурат

ЗИЁ УЛАШИЛДИ

Вилоятдаги жазони ижро этиш бўлимига қарашли 43-сонли манзил колонияда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бўка тумани кенгаши, "Ёшлар – келажгимиз" жамғармаси филиали, "Нуроний" жамғармаси ва Республика "Маънавият ва маърифат" маркази туман бўлимлари билан ҳамкорликда "Китоблар қарвони" лойиҳаси ўтказилди.

Лойиҳа доирасида муассасага 32 номдаги ижтимоий-сиёсий, тарихий ва бадий адабиётлар тўхта қилинди.

Тадбир очик мулоқотга улашиб кетди. Маҳкумлар тадбиркорлик, спорт, маънавий-маърифий, ижтимоий ҳаётга

алоқадор мавзулар бўйича уларни қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Лойиҳада маҳкумларнинг яшаш шароитлари, улар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар борасида муассаса ходимлари томонидан маълумотлар берилди.

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Давлатимиз раҳбари илгари сурган 5 та муҳим ташаббус жадаллик билан амалиётга татбиқ этилмоқда. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ангрен ва Чирчиқ шаҳар ҳокимликлари ҳамда Тошкент шаҳридаги Инха университети раҳбарияти билан ҳамкорликда учрашув ташкил қилди.

Учрашувда юз нафардан ортиқ мактаб ва лицей битирувчилари, ўқувчи-ёшлар қатнашди. Тадбирда Инха университетидаги бугунги таълим жараёни, ёшларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида ректор М. Джалалов

маълумот берди. Шунингдек, тадбирда Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларида ёшлар учун барпо этилаётган замонавий ўқув масканлари, таълим олиш, касбга эга бўлиш имкониятлари ҳақида ҳам батафсил сўз юритилди.

Пискент тумани фермер хўжаликларида чигит экиш ишлари авжида. Ҳудуддаги "Файз голд агро" фермер хўжалигининг тажрибали меҳанизаторлари К. Омонов ва Ф. Абдулҳамидов МТПдан бириктирилган ТТЗ-ЛС тракторига тиркалган, янги технология асосида ишлаб чиқилган чигит экиш мосламасида ерга уруғ қодаш ишларини бажармоқдалар.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ УРУҒЛИКНИ ИСРОФДАН АСРАЙДИ



мўл ҳосил учун пухта тарадуд кўрмоқда. Хўжалик аъзолари Голландиядан келтирилган янги техника ёрдамида чигит экишни 3 иш кунига яқунлашди. МТП бош муҳандиси Ҳ. Тўрақулловнинг маълумот беришича, замонавий чигит экиш сеялкаси меҳнат унумини икки баравар оширди, белгиланган уруғлик чигит 40-50 килограммга те-

ўтиш тарадудиди. 50 гектар майдонга қўшқатор усулда барака уруғи қадаган Мухаммадали фермернинг нияти жорий йилда ҳосилдорлигини 35 центнерга етказиш. У билан мусобақалашган Шухрат фермер эса ҳосилдорлигини 40 центнердан ошириб, қўшнисидан ўзиб кетишни мақсад қилган.

Шоира ШОМАТОВА

